



## Танлов ҳужжатларининг мазмуни

1) Танлов иштирокчилари учун йурикнома

2) Техник қисм

3) Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН Й У Р И К Н О М А

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали" га сув насоси сотиб олиш учун.

1.2. Танлов киймати 19 200 000 (Ўн тўққиз миллион икки юз минг) сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат курсатиш бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулотни етказиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

1.5 Махсулотни етказиш муддати - аванс маблағи утқазилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали" (бундан кейин—"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Фарғона шаҳар, Кимёгарлар кўчаси 9-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утқазиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утқазилади

2.3. Танлов "Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали" "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утқазилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қабғий назар шу мазмунда иш ва хизматларкурсатишга ихтисослашган, қаида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малақавий талаблар қуйилади: танлов предмета кийматининг қаида 20 фойизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсағиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси,

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### 4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утқизиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қурсатилиши қерак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ қурсатқичлар қурсатилган бўлиши қерак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар руйҳати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйҳати илова қилинади);
- Танлов иштирокчиси:
- факат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар бўлади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқдаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тавдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳавди. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини узгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

**Сув насоси руйхати илова қилинади**

<b>№</b>	<b>Жихозлар номи</b>	<b>Параметр кўрсаткичлари</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Сони-миқдори</b>	<b>Нархи (тахминий) сўмда</b>	<b>Жами нархи сўмда</b>
1	Сув насоси	Водяной насос 100% медный MHF-6A POWER 2.2 kWt Max FLOW: 4045 M3/h. Max HEAD 12-18. Caliber 80 mm/3b speed 2860 r/min	Дона	4	4 800 000	19 200 000
<b>Жами:</b>						<b>19 200 000</b>